

ФАРҒОНА ТОШКЕНТ МАҚОМ ЙЎЛЛАРИДА ЧОРГОҲЛАР

Нигора Эрматова

Фарғона Давлат Университети Мусиқа таълими ва санъат йўналиши 2-босқич
магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7231716>

Аннотация. Мазкур мақолада Фарғона-Тошкент маҳаллий услуги нашидаси бўлмиш Фарғона-Тошкент мақом йўллари ўзбек мумтоз мусиқа маданияти ривожига тўлақонли хисса қўшган монументал номоддий маданий меърос борасида фикр ва мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: Фарғона-Тошкент маҳаллий услуги, Фарғона-Тошкент мақом йўллари, чоргоҳлар, устоз-шогирд

ЧАРГАХ В ФЕРГАНА ТАШКЕНТСКИХ МАКОМАХ

Аннотация. В данной статье собраны мысли и мнения о монументальном нематериальном культурном наследии макомов Фергана-Ташкент, являющихся проявлением местного стиля Фергана-Ташкент и внесших полноценный вклад в развитие узбекской классической музыкальной культуры.

Ключевые слова: Ферганско-Ташкентский местный стиль, Ферганско-Ташкентские макамы, чоргох, мастер-ученик.

CHARGAKH IN FERGANA TASHKENT MAKOMS

Abstract. This article contains thoughts and opinions about the monumental intangible cultural heritage of the Maqoms of Fergana-Tashkent, which are a manifestation of the local style of Fergana-Tashkent and have made a full contribution to the development of Uzbek classical musical culture.

Key words: Fergana-Tashkent local style, Fergana-Tashkent maqoms, chorgoh, master-student.

Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ўзининг қадимий тарихи, теран фалсафий илдизлари, бетакрор бадиий услуги ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди.

(Ш.М.Мирзиёев)

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини изчил ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги ижобий тажриба ва тенденциялар, ютуқ ва натижаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосидабарча соҳалар фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Негаки, ҳар бир ёш авлод ўз миллати тарихи билан бир қаторда, миллий мусиқа мероси, халқ ижодиёти, шу жумладан, буюк санъаткор аждодларимиз томонидан яратилган дурдона мусиқа меросимизни теъран англаган ҳолда ўзлаштиришимиз даркор.

Маълумки, ўзбек миллий мумтоз мусиқа меросига бўлган эътибор ва уни илмий жиҳатидан ўрганиш доимо долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Шу ўринда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. “Асрлар давомида улуғ шоир ва олимлар, мохир бастакорлар ҳофиз ва созандаларнинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги, ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган ушбу ноёб санъат нафақат юртимиз ва Шарқ мамлакатларида, балки дунё миқёсида катта шухрат ва эътибор қозонган. Мақом санъатининг гултожи бўлган “Шашмақом” ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида эътироф этилгани ҳамда унинг репрезентатив рўйхатида киритилгани бунинг яққол тасдиғидир”.

Бу албатта халқимизнинг мумтоз мусиқага бўлган халқаро эътиборидир. Қолаверса, дарҳақиқат мумтоз мусиқамизнинг халқимиз маънавий дунёсида тутган ўрни бекиёсдир. Мақом бу Шарқ халқларида қадимдан мавжуд бўлган мусиқа жанрларидан биридир. У ҳар бир Шарқ халқларининг мусиқа меросида ўзига хос хусусиятлари, ижро услублари билан ажралиб туради. Мақомларнинг назарий ва амалий томонлари бор. Уларнинг назарий жиҳатлари Шарқ мусиқасига бағишланган рисолаларда ўз ифодасини топган. Амалий жиҳати эса устоз-шогирд анъаналарига таянган ҳолда асрлар давомида авлодлар томонидан сақланиб келинмоқда. Ўзбек мумтоз мусиқа меросининг ривожланиш босқичларида эса, ўзига хос воҳавий хусусиятларга таянган ҳолда бир қатор навлари юзага келган. “Шашмақом”, “Хоразм мақомлари” ва “Фарғона Тошкент мақом йўллари” шулар жумласидандир. Ҳар бир мақом ўзининг локал хусусиятларига эгадир. Қайд этиш жоизки, ушбу мақом навлари ўзининг теран анъаналари негизида ўзига хос локал хусусиятларга эгадир. Улардан Фарғона Тошкент мақом йўллари ана шу навлардан биридир. Фарғона Тошкент мақом йўллари назарий жиҳатдан таҳлил этиш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Биз мақом йўллари таркибига кирувчи туркум Чоргоҳларни назарий таҳлил этарканмиз, уларни ўрганиш - азалий анъаналарни англаш, келажак авлодни маънавий бой, руҳан тетик тарбиялашда доимо илғор ва долзарб масала сифатида алоҳида аҳамият касб этиб келганлигини эътироф этишимиз лозимдир. Бу борада мусиқашунос олим Р.Абдуллаев “Мақомлар Шарқ халқлари мусиқасининг асосини ташкил этади, шу сабабли мақомларни атрофлича ўрганилиши мусиқа маданиятимиз тарихида муҳим аҳамиятга эга”, - деб ўзининг “Ўзбек мумтоз мусиқаси” дарслигида юқоридаги фикрларни қайд этиб ўтади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Халқ мусиқа ижодиётида Чоргоҳлар ўзининг вазмин куйи ва фалсафий оҳанги билан ажралиб турувчи мусиқий дурдоналардан биридир. Чоргоҳ атамаси тарихий манбаларда турли кўринишларда, яъни “чаҳоргоҳ”, “чоҳорагоҳ” каби иборалар сифатида қўлланилиб келинган. “Чаҳоргоҳ” атамаси Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида бир неча бор келтирилганини гувоҳи бўламиз. Хусусан, “Мавлоно Соҳиб Балхий-боужуди шеър фанида маҳоратлик киши эрди. Ўз ғазалларини ўз амаларига боғлабдурким, анинг фазойилига далолат қилғай. Ул жумладин, “Чаҳоргоҳ” амалидирким,

машхурдир. Дерларким, Жўги Мирзо мажолисида ул амалидан ўзга нима айттурмас экандурки, бу ғазалга боғлабдур:

Ҳамчу субҳ аз меҳрирўят мезадам дамҳои сард,

То расам рўзе ба кўятдилбасешабғир кард.

(Юзинг меҳридан тонг сингари совуф дамлар уруман; бирор кун кўйинга етишим учун дил кўп саргардон қилди.)”

Шоир, мутафаккир “Ҳолати Пахлавон Муҳаммад” асарида ҳам ушбу иборани кўллаганини кўраимиз. Хусусан, “Машхур амалларидан бири “Чаҳоргоҳ” амалидурки, Мавлоно Тўти йул шеъридинким, матлаи будур:

Сокиё, дай рафта, ҳаст аҳволи фардоно паид,

Хешроим руз хушдоре муфар доро кидид? -

ким, Мир Бузург Турмизий отига боғлабдурким, бағоят хушоянда ва мулойим эшитилур ва далилбуким, Хуросон мулкида, балки Самарқанд ва Ироқда ҳамул ишни билмас гўянда йўқдур, балки ғайри гўянда дағи беҳад ва ҳаср халойиқнинг ёдидадур”.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Навоий ижодида мусиқий жанрлар ва уларнинг хусусияти ҳамда ижодиёт борасида турли фикрлар келтирилгани сир эмас. Таърифим мазмуни ҳам бунга мисолдир. Яъни, Навоий таърифича “Чаҳоргоҳ” жудаям ёқимли ва мулойим эшитилади. Бунинг далили шуки, Хуросон, Самарқанд ва Ироқда бу куйни билмас гўянда йўқдир ва халойиқнинг ҳам ёдидадир. Ушбу маълумотлар орқали эса Чоргоҳнинг мусиқа ижодиётида ўрни борлигини ва доимо унинг муқобил намуналари яратилиб келинганига ишорадир.

Шу билан бирга бундай маълумотларни биз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам кўраимиз. Унда шоир Чоргоҳ савтини боғлагани ҳақида маълумотлар келтирилган. “Якшанба куни ойнинг ўн олтисида сабуҳий қилиб, хушёрбўлуб, маъжун эҳтиёр қилғонда Мулло Ёрак панжгоҳда муҳаммас даврида боғлағон нақшини ўткарди. Яхши нақш боғлабдур. Неча маҳал эди. Мундоқ нималарга машғулук қилмайдур эди. Манга ҳам дағдаға бўлди, бир нима боғлағаймен. Бу таркиб била чоргоҳ савтини боғладим. Нечукким. Маҳаллида мазкур бўлғусидир”

Чоргоҳларнинг вужудга келиши ва шаклланиши тарихий манбаларда кўрсатилишича узоқ ўтмишга бориб тақалади. Жумладан, уларнинг илк кўриниши дастлабки мақом тизими, яъни ўн икки мақом тизимида мавжуд. Чоргоҳ ўн икки мақом таркибига кирувчи Зангула мақомининг шўьбаларидан бири сифатида келган. Исҳоф Ражабовнинг “Мақомлар” монографиясида бу борада қуйидагича таъриф келтирилган: “Чоргоҳ тўрт пардадан ҳосил қилинадиган товушқатордир. Чоргоҳ шўьбаси биринчи гуруҳ жинсларининг биринчи наъвига мос бўлиб, унинг поғоналари ва улар орасидаги интерваллари ҳамда центлари қуйидагилар:

$$A+D+B+X=T - Ж - Ж$$

0+204+384+498

^ ^ ^

204 180 114



Уларнинг диапозони кварта бўлгани учун Чоргоҳи зарб-арбаъ (кварта диапозонидаги Чоргоҳ), деб аталади”.

Дувоздаҳ мақом таркибидаги Чоргоҳ асрлар давомида ўз ривожини топди. XVIII асрда вужудга келган ҳамда шаклланган ўзбек ва тожик халқлари мумтоз муסיқаси “Шашмақом” туркуми таркибида ҳам Чоргоҳлар муносиб ўрин олди. У Дугоҳ мақомининг чолғу ва ашула йўлларида таркиб топди. Хусусан, Шашмақомнинг мушкilot қисмида Муҳаммаси Чоргоҳ, Наср бўлимида биринчи ва иккинчи гуруҳ шўбалари таркибидан ўрин олган. Жумладан, биринчи гуруҳ шўбаларида: Талқини Чоргоҳ, Насри Чоргоҳ, Уфари Чоргоҳ; иккинчи гуруҳ шўбаларида туркумий-услубий бўлиб, анъанавий бешта ашуладан таркиб топган: Савти Чоргоҳ, Чоргоҳ савти талқинчаси, Чоргоҳ савти қашқарчаси, Чоргоҳ савти соқийномаси, Чоргоҳ савти уфори каби номлар билан юритилади.

Айниқса, Фарғона Тошкент мақом йўлларида Чоргоҳлар ўзининг ижро услуби ва йирик шаклдаги ашула туркуми эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Қайд этиш жоизки, Фарғона Тошкент мақом йўлларида мансуб Чоргоҳлар Шашмақом туркумининг Дугоҳ мақоми шўбалари асосида яратилган. Бунда усул тизими ва оҳанг асосига алоҳида эътибор бериш лозим. “Чоргоҳ мақоми туркуми водий ижро услубига мослаштирилган ҳолда “Шашмақом” шўбаларидан қисқартириб олинган куй харакати ва ривожи, ханглар ишлатилмаслиги, усулвариантлари қўлланиши билан равшан бўлади.”

Қуйидаги жадвалда Фарғона Тошкент мақом йўлларидаги Чоргоҳларнинг ҳар бири Дугоҳ мақоми шўбаларининг усулларига асосланганлигини таснифлаб ўтамыз.

Фарғона Тошкент мақом йўллари	Шашмақом. Дугоҳ мақомида усул
Чоргоҳ I	Сараҳбор 
Чоргоҳ II	Тарона 
Чоргоҳ III	Савт 
Чоргоҳ IV	Қашқарча 

Чоргоҳ V	Оғир уфар 
Чоргоҳ VI	Уфар 

Шу билан бирга Чоргоҳлар Фарғона-Тошкент мақом йўлларида ҳам асосий туркумлардан бири сифатида ўрин олган. У ўзининг ижро услуби ва йирик шаклдаги ашула туркуми эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Фарғона-Тошкент мақом йўлларида Чоргоҳлар I – VI туркумийлик хусусиятларига эга бўлганашулалардан иборат. Аваллари бу туркум V та ашуладан таркиб топган. Кейинчалик Юнус Ражабий томонидан туркум яна бир ашула билан бойитилган. Ю.Ражабий “Мусиқа меросимизга бир назар” асарида бу ҳақида қуйидагича ёзади: “Илгарилари “Чоргоҳ” беш қисмлик, цикли музика асари бўлган. Мен унга енгил уфар усулида ижро этиладиган “ЧоргоҳVI ” ни (Ш. 125-127-бетлар) басталаган эдим. Бундан кейининги ёзилган “Савти Чоргоҳ”ни (Ш. 129-131-бетлар) 1953-йили Ёқубжон Довидовдан ёзиб олган эдим. Кўпгина устоз ҳофизлар бу ашулани ўз ижро этиш имкониятлари ва айтиш услубларига қараб ўзгартириб, турли йўлларда ижро этиб юрганлар. Бунинг тўлиқ ва мукамал ишланиб ёзилган варианты “Шашмақом”нинг янги нашридаги “Дугоҳ” мақомига кирган (Ш. IV. 78-81-бетлар). Шунингдек, “Талқини савти Чоргоҳ” ҳам (Ш. 133-136-бет) олтитомлик “Шашмақом” китобида (Ш. IV; 81-84-бет) “ТалқинчаисавтиЧоргоҳ” деб аталиб, тўлиқкилибёзилган”. Бундан кўриниб турибдики, Юнус Ражабий томонидан Чоргоҳ VI шу қадар моҳирона яратилган ва туркумнинг бир қисми сифатида ижро этилиб келинмоқда. Лекин, ҳозирги кунда туркумнинг беш ёки олти қисмлилиги кўплаб адабиётларда турли кўринишда берилади.

Шу билан бирга ўзбек мумтоз мусиқаси, Фарғона Тошкент мақом йўллари ҳам туркумийлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Фарғона Тошкент мақом йўлларида ҳар бир мақом ўз шаҳобчаларига эга ва улар рақамлар билан белгиланади. Масалан, улар орасида йирик ашула туркумлари: Баёт I-V, Чоргоҳ I-V, Гулёр-Шахноз, Дугоҳ-Ҳусайний I-VII шулар жумласидандир. Улар “Шашмақом” нинг шўъба ва шаҳобчалари мутаносиблигида юзага келган.

Ўн икки мақом таркибида Зангула мақоми таркибида	Шашмақом Дугоҳ мақомида	Хоразм мақомлари Дугоҳ мақомида	Фарғона Тошкент мақом йўллари	Чолғу йўллари	Услубий йўллари
---	----------------------------	------------------------------------	-------------------------------	---------------	-----------------

Чоргоҳ	Чоргоҳ мухаммаси. Чоргоҳ талқини. Чоргоҳ насри. Чоргоҳ уфори. Чоргоҳ савти. Чоргоҳ савти талқинчаси. Чоргоҳ савти қашқарчаси. Чоргоҳ савти соқийномаси. Чоргоҳ савти уфари.	Муқаддимаи насри Чоргоҳ. Насри Чоргоҳ	Чоргоҳ I Чоргоҳ II Чоргоҳ III Чоргоҳ IV Чоргоҳ V Чоргоҳ VI	Сурнай Сато Танбур (Машқи Чоргоҳ) Ғижжак Най	Ўввойи Чоргоҳ Чоргоҳи муножот. Чоргоҳ катта ашуласи
--------	---	--	---	--	---

Мана шундай туркумлардан бири Чоргоҳлар туркумий асар сифатида ўзини намоён этади. Қуйидаги жадвалда ўзбек мусиқа меросидан ўрин олган Чоргоҳлар ифода этилган. Масалан, “Шашмақом”, “Хоразм мақомлари”, “Фарғона Тошкент мақом йўллари” таркибидаги Чоргоҳлар ва чолғу асарлари, бастакорлар томонидан ижод этилган (юқорида услубий йўллари деб изоҳ бердик) Чоргоҳлар санаб ўтилган. Ушбу жадвал янада бойиши, турли намуналар билан тўлдирилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мушкилот бўлими	Наср бўлими	
	<i>Биринчи гуруҳ шўъбалари</i>	<i>Иккинчи гуруҳ шўъбалари</i>
Муҳаммаси Чоргоҳ	Талқини Чоргоҳ	Савти Чоргоҳ
	Насри Чоргоҳ	Чоргоҳ савти талқинчаси
	Уфари Чоргоҳ	Чоргоҳ савти қашқарчаси
		Чоргоҳ савти соқийномаси
		Чоргоҳ савти уфори

Чоргоҳлар Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари таркибидан ҳам алоҳида ўрин олган. Жумладан, Хоразм мақомларида Дугоҳ мақомининг таркибида мавжуддир. Яъни, Дугоҳ мақоми тароналаридан сўнг кириб келади ва Муқаддимаи Насри Ҳижози Чоргоҳ, ҳамда Насри Чоргоҳ номлари билан юритилади. Хоразм Чоргоҳи тарихига бироз тўхталиб ўтсак, XIX аср бошларида Ниёзхўжа Эшон Бухорога боради ва Шашмақомни ўрганади. Сўнгра уни Хоразмга келиб тарғиб қилади ва натижада Шашмақом куй ва ашулаларига ўхшаш маҳаллий услубдаги Хоразм мақоми вужудга келади. Вақт ўтиши натижасида Хоразмда иккита ижро мактаби пайдо бўлган. Биринчиси қадимий анъаналарга таянган ҳолда Ҳожихон Болтаев мактаби. Иккинчиси замонавий ва лирик тамойиллар билан суғорилган Комилжон Отаниёзов мактаби эди. Чоргоҳ Хоразм Дугоҳ мақоми таркибида Хоразмга хос наср усулида келади. Ҳозирда Матниёз Юсуповнинг “Хоразм мақомлари” китобида келтирилган. Шу билан бирга Чоргоҳларнинг М.Юсупов ва К.Отаниёзов ижросидаги аудио ёзувлари мавжуддир.

Чоргоҳлар Фарғона-Тошкент мақом йўлларида ҳам асосий туркумлардан бири сифатида ўрин олган. У ўзининг ижро услуби ва йирик шаклдаги ашула туркуми эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Қайд этиш жоизки, Фарғона Тошкент мақом йўлларига мансуб Чоргоҳлар Шашмақом туркумининг Дугоҳ мақоми шўъбалари асосида яратилган. Бунда усул тизими ва оҳанг асосига алоҳида эътибор бериш лозим. “Чоргоҳ мақом туркуми водий ижро услубига мослаштирилган ҳолда “Шашмақом” шўъбаларидан қисқартириб олинган куй ҳаракати ва ривож, ҳанглар ишлатилмаслиги, авжлар қисқартирилиши ёки умуман тушуриб қолдирилиши, усул вариантлари қўлланиши билан равшан бўлади.”

МУҲОКАМА

Халқ бастакорлик ижодиётида ёввойи услубга хос намуналари, катта ашула намунаси, ижрочилик амалиётида чолғу йўллари юзага келган. Амалиётда эса кенг оммалашган мумтоз асарлар кўринишида қарор топган. Масалан, “Ёввойи Чоргоҳ”, Содирхон Ҳофиз томонидан яратилган “Чоргоҳи Муножот” шулар жумласидандир. Бизнинг фикримизча Чоргоҳларнинг чолғу йўлларидастдаб ашула йўлида ривожланиб, сайқал топди ва кейинчалик чолғу йўлига кўчган. Бу ҳақида И.Ражабов “Мақомлар” китобида қуйидагича тасниф берадилар. “Тошкент, Фарғонада машҳур бўлган бу мақом туркумлари асосан ашула йўлларида иборат бўлиб, уларда Шашмақомдаги каби чолғу йўллари учрамайди. Лекин, созандалар бу ашула йўллари чолғу асарлари сифатида ҳам ижро этиб келганлар. Шу мақомга хос жуда кўп чолғу йўллари мавжуд бўлиб, улар яккасоз ва кичик ансамбллар ижросида алоҳида-алоҳида чалинади.”

Чолғу йўлларида танбур ва дутор ижросидаги “Ёввойи Чоргоҳ” ниҳоятда таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Улар ижросидаги нола ва қочиримлар куйнинг лирик жиҳатларини янада юқори даражада очиб беради. Аслида “Ёввойи Чоргоҳ” най чолғусига мўлжалланган бўлиб, унинг куйи ривожланган “Чоргоҳ” шўъбасининг оҳанги асосида юзага келган. Куйнинг тузилиши ва баланд пардаларга интилиши, куй мисраларини нафас бирлигида чалиниши асарни нозик, жарангдор ва таъсирчан бўлишига олиб келади. Айниқса, Турғун Алиматов томонидан ижро этилган “Ёввойи Чоргоҳ” ўзининг талқини билан ажралиб туради. Шу билан бирга “Ўзбек халқ мусиқаси” китобининг III томида “Машқи Чоргоҳ” асарининг нотаси ҳам берилган. У танбурчи Мақсудхўжа Юсупов томонидан ёзиб олинган. Хусусан, Чоргоҳларнинг сурнай йўллари ҳам мавжуддир. Шу билан биргаликда Ёввойи Чоргоҳнинг халқ ижрочилик амалиётида ранг-баранг кўриниши мавжуд. Бу айтим йўлининг чолғу йўлига хос вариантларини юзага келиши билан характерланади. Яъни, Ёввойи Чоргоҳнинг сурнай, най, ғижжак, сато чолғуларидаги ижро йўллари талқинидир. Уларнинг барчаси албатта ўзига хослик жиҳатлари билан суғорилганлигини намоян этади. Ёввойи Чоргоҳнинг катта ашула кўриниши ҳам Фарғона Тошкент ҳудудида машҳурдир. Ҳазиний ғазали билан айтилувчи ушбу катта ашула Фарғона мақом йўлларига хос услуб асосида яратилган. Ушбу катта ашуланинг асосий мусиқий шаклларида бири ҳангдир. Бошланғич ҳангда асосий чоргоҳ мавзуси келтирилган. Ўтмишда бастакорлар Чоргоҳнинг пардалари негизида турли шакл

ва жанрларда асарлар яратишган. Хусусан, Чоргоҳ ҳам ҳозирги кунга қадар хилма-хил ижод ва ижро услублари орқали бизга етиб келган. Уни маромига етказиб куйлаб келган ҳофизлардан даставвал Болта ҳофиз Ражабов, Маматбува Сатторов, Жўраҳон Султоновларни санаб ўтишимиз мумкин. Улар патнисаки “Ёввойи Чоргоҳ” йўлини шогирдларига ўргатиб келишган. Устозлар ичида ҳофиз Маматбува Сатторов катта ашула йўлининг пири саналган. 1948-1950-йилларида Маматбува Сатторов, Жўраҳон Султоновлар ёнларига Назирали Ҳожимуродов ва Ҳожимурод Эргашевларни олиб бирга ижро этишган. Кейинчалик, устозларидан сўнг “Ёввойи Чоргоҳ” га Исоқжон Хусанов, Мусахон Орипов ва Иброҳимжон Исоқовлар қайта умр бағишлаган. 1970-йилларида халқ орасида “Ёввойи Чоргоҳ” номи билан машҳур бўлган катта ашула йўлидаги асарларни Мамасидиқ Мадалиев қайта тиклайди. 1936-йилда Андижонда Турдали Шарипов ва маданият ходими Комилжон Мирзаев ташаббуси билан “Чоргоҳ” гуруҳи бир қатор республика кўрик танловларида қатнашиб чет эл телевединия ва матбуот ахборот воситаларида ёритилиб келинган эди. 1985-йилда Иброҳимжон Исоқов ва Мусахон Орипов Америка диёрида гастрол сафарида бўлганлар ва шу катта ашулани ижро этганлар. Кейинчалик эса Марғилонда Чоргоҳ гуруҳи ташкил этилди. Унинг қатнашчилари Турдали Шарипов, Қоравой Қодиров, Нуриддин Мамажонов ва Рустамжон Отабоевлар “Ёввойи Чоргоҳ” ни маҳорат билан ижро этишиб олий совринларга эга бўлишган эди. Ҳозирги кунга қадар Чоргоҳларнинг кўплаб ижролари сақланиб келинмоқда. Айниқса, О.Имомхўжаев, О.Алимахсумов ва Ж.Султоновлар ижросидаги Ёввойи Чоргоҳ катта ашуласи ўзига хослиги билан ажралиб туради. (Р.Абдуллаев нотага олган)

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганимизда Чоргоҳлар ўзига хос мақом йўлидир. Ўзбек мусиқа меросида Чоргоҳларнинг ранг-баранг намуналари ижод этилган. Бунга чолғу йўли, сурнай йўли, ёввойи намуналари, Шашмақом андозасига мос ва мақом йўлларида хос намуналардир. Уларнинг парда тузилиши, характери, усул тизими, мавзуси ва оҳанг асослари уни бошқа мақомлардан ажратиш туради. Чоргоҳлар ўзбек мумтоз мусиқасида қадимдан шаклланиб, кейинчалик ривожланиб ва халқ ижрочилиги амалиётида такомиллашган асарларга айланган. Ҳозирги кунда ушбу юқорида қайд этиб ўтилган барча Чоргоҳларнинг устоз санъаткорлар томонидан ижро этилган аудио ёзувлари мавжуд. Хамда ёш мақом ансамбллари, истеъдодли ижрочилар томонидан ижро этиб келинмоқда.

REFERENCES

1. Халқ сўзи, 2017-йил, 18-ноябрь, №233
2. Р.С.Абдуллаев “Ўзбек мумтоз мусиқаси”, Тошкент 2008
3. А.Навоий “Мажолисун-нафоис”, Т... 2011, Навоий асарлари тўплами 9-жилд
4. А.Навоий “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, Навоий асарлари тўплами 10-жилд, Тошкент 2011
5. З.М. Бобур ”Бобурнома”, Тошкент 1989

6. И.Ражабов “Макомлар”, Т...2006
7. Ю.Ражабий “Муסיқа меросимизга бир назар”, Тошкент 1978
8. Асарҳои Мунтахаби Содирхон, Сталинобод 1949
9. “Ўзбек халқ муסיқаси”, 3-том, Тошкент 1959.
10. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).
11. SultonaliMannopov, A., AbdusalomSoliev, U., & TokhirShokirov, R. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845-6853.
12. Abdulhay Karimov Tursinovich, & Alijon Ergashev Abdullayevich. (2022). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. *Archive of Conferences*, 245-248. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/2096>
13. Ahmadjon Nurmuhamedjanov, & Ismoiljon Rustamov (2022). YOSHLARNING IJTIMOIIY FAOLLIGIDA MADANIYAT VA SAN'AT MUASSASALARIDAGI TO'GARAKLARNING O'RNI. *Science and innovation*, 1 (C2), 48-50. doi: 10.5281/zenodo.657842
14. Rustamov, I. (2022). The Place of Doira Instrument in Uzbek National Art. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 5, 74-77
15. Madina Nasretdinova, Ismoil Rustamov, & Oybek Karimov (2022). MUSIQA SAN'ATINING HOZIRGI KUNDAGI O'RNI. *Scientific progress*, 3 (2), 841-845.
16. Исаков Улуғбек Тўхтасинович (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ҲАМДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. *Science and innovation*, 1 (1), 625-636. doi: 10.5281/zenodo.6529117
17. Murodova, D. (2021). Scientific And Theoretical Aspects of Musical Thinking. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, 1 (1), 196-199.
18. Durdonga, M. (2021, May). ABOUT DUTOR AND HIS PERFORMANCE. In *Archive of Conferences* (Vol. 25, No. 1, pp. 29-31).
19. Nasritdinova, M., Nigora, M., & Murodova, D. (2022, February). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. In *Archive of Conferences* (pp. 44-48).
20. Nasretdinova, M., Toshaliyev, D., & Murodova, D. R. Q. (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. *Scientific progress*, 3(2), 846-850.
21. Murodova, D. (2021). THE CONCEPT OF MUSICAL THINKING AND ITS STAGES OF DEVELOPMENT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 245-250.
22. Асқарова, М., Намозова, Д., Мадаминов, Н., & Алихонова, Д. (2020). PSYCHOLOGICAL FEATURES OF PREPARING CHILDREN FOR SCHOOL. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(7), 402-407.

23. Nomozova, D. (2020). THE IMPORTANCE OF TEACHING VOCABULARY IN STAGES. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
24. Namozova, D. T. (2021). MUSIQA DARSLARIDA O'QUVCHILARNI KREATIVLIK HAMDA ERKIN TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHNI TASHKIL ETISH. *Scientific progress*, 2(2), 1313-1315.
25. Namozova Dilorom, & Astanova Zumradxon Tohirovna (2022). BRAYL NOTA TIZIMINING MUSIQA TA'LIMIDAGI ILK QADAMLARI. *Science and innovation*, 1 (C2), 36-38. doi: 10.5281/zenodo.656980
26. Nurmuhhammadovich, R. O., & Nurullaevna, N. M. (2021). Social And Spiritual Importance of Lessons of Musical Culture. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 50-52.
27. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. In *Archive of Conferences* (pp. 92-94).
28. Nurullayevna, N. M., & Muhlisa, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. In *Archive of Conferences* (pp. 61-62).
29. Nasretdinova, M., Isakov, U. B., & Orziboyev, R. (2022). XALQ IJODIYOTINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI. *Scientific progress*, 3(2), 851-856.
30. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 251-258.
31. Мадина Насритдинова (2022). МУСИҚА ТАЪЛИМИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНИШИДА СОҒЛОМ БОЛАЛАРДАН ОРТДА ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (1), 538-549.
32. Jo'Rayev Xamidjon, & Madina Nasritdinova (2022). DOIRA CHOLG'USIDA IJRO MAHORATINI YUKSALTIRISH (BOLALAR MUSIQA VA SAN'AT MAKTABLARI MISOLIDA). *Science and innovation*, 1 (C2), 26-28. doi: 10.5281/zenodo.663646
33. Abdulhay Karimov Tursinovich, & Alijon Ergashev Abdullayevich. (2022). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. *Archive of Conferences*, 245-248. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/2096>
34. SultonaliMannopov, AbdulhayKarimov, AbdusalomSoliev, UlugbekIsakov, TokhirShokirov, RustamOrziboev. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845 -. Retrieved from <https://www.annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/3280>
35. Omadjon Rakhimov Nurmuhhammadovich, Jamoldin Muydinov Sharobidinovich, Mahmudov Ismoiljon Isroilovich, & Usmanova Shoxista Shavkat qizi. (2022). UZBEK MUSIC HISTORICAL THE ROLE OF FOLKLORE CREATION IN

- DEVELOPMENT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10 (3), 557-559. Retrieved from <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/1520>
36. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).
37. Professor Sultanali Mannopov, Abdulkhay Karimov, Shohida Ataboeva, Alijon Ergashev, & Shokhista Usmanova. (2021). Development Of Symphonic Music in Uzbekistan. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 53–56. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/259>
38. Маннопов, С., & Сулейманова, Д. К. (2019). Музыкальное наследие узбекского народа. *Проблемы современной науки и образования*, (10 (143)), 82-84.
39. Mannopov, S. (2004). Uzbek folk music culture.(Study guide) Tashkent. *New Age Generation*.
40. Маннопов, С. (2018). Навобахш оҳанглар. Т.: IJOD-PRESS наириёти.С.
41. Маннопов, С. У. Л. Т. О. Н. А. Л. И. (2004). Ўзбек халқ мусиқа маданияти. *Янги аср авлоди*.
42. Rahmonov, U., Ergashev, A., Nazhmetdinova, M., & Usmonova, S. (2021, November). IN THE FORMATION OF THE SOCIO-SPIRITUAL THINKING OF YOUNG PEOPLE IN THE MUSICAL ART OF THE GREAT SCHOLARS OF THE EASTERN RENAISSANCE POSITION HELD. In *Archive of Conferences* (pp. 36-39).
43. Ulugbek Rahmonov Karimovich, Najmetdinova Mavluda Mamasodikovna, & Ergashev Alijon Abdullaevich. (2021). The Role and Importance of Music Clubs in The Leisure of Young People. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 47–49. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/257>
44. Najmetdinova, M., & Odinahon, S. (2021, October). HISTORY OF TRADITIONAL PERFORMING ARTS. In *Archive of Conferences* (pp. 89-91).
45. Камбаров, А. А., & Нажметдинова, М. М. (2019). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ. In *Условия социально-экономического развития общества: история и современность* (pp. 148-151).
46. Нажметдинова, М. (2022). Общественно-культурные мероприятия теоретические основы. *Общество и инновации*, 3(3/S), 473–479. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss3/S-pp473-479>
47. Kirgizov, I., Kirgizov, I., Najmetdinova, M., & Atabayeva, S. (2022, February). THE GENESIS OF THE DEVELOPMENT OF MUSIC CULTURE. In *Archive of Conferences* (pp. 57-60).
48. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиковна (2022). ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (1), 892-903. doi: 10.5281/zenodo.653977
49. Abduvositovich, Y. F., Suleymanova, D., Rakhmonov, U., Ergashev, A., Kurbanova, B., & Axmadbekova, M. (2021). The role of the great scholars of the Eastern Renaissance in the

art of music in shaping the socio-spiritual thinking of young people. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2846-2850.

50. Юлдашев, Фахриддин Абдуваситович (2022). ИЗУЧЕНИЕ НАСЛЕДИЯ АЛЬ-ФАРАБИ КАК ФАКТОР ФОРМИРОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО САМОСОЗНАНИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (Special Issue 23), 81-87. doi: 10.24412/2181-1784-2022-23-81-87